

Маҳсулотлар тўғрисида давлат тилида маълумот бериш мақсади



Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонунинг 6 моддасида ишлаб чиқарувчи ва сотувчи истеъмолчига у томондан сотиб олинadиган маҳсулотлар тўғрисидаги зарур бўлган, ишончли ва очиқ ахборотларни ўз вақтида тақдим этишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган.

Муаммо шундаки, кўп ҳолатларда истеъмолчи маҳсулот ҳақида батафсил маълумотларни давлат тилида олиш имкониятига эга эмас.

Бунинг устига, маҳсулот тўғрисидаги ахборотлар ўқиш учун ниҳоятда майда ҳарфлар билан ёзилган бўлиб, ундан истеъмолчи ўз вақтида фойдалана олмаяпти.

Маҳсулот тўғрисидаги ахборотлар ёзилган ўзи ёпишадиган стикерлар, уни республикага кириб келгунига қадар туширилади, ва ҳар доим ҳам ишлаб чиқарувчининг ахборотларидан фарқли равишда ишончли ахборотга эга бўлмаслиги мумкин, натижада ишлаб чиқарувчи тақдим этилган ахборот учун жавобгар бўлмайди.

Ҳалқаро амалиёт

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) 1985 йилда тасдиқланган принципларига мувофиқ истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сотувчининг (ишлаб чиқарувчининг) таклифларига аниқ мувофиқликда ишлаши;

белгиланган «хизмат кўрсатиш» ва ушбу товарни ишлашга яроқли ҳолда сақлаш кафолатлари даврида маҳсулотнинг сифати;

базавий талабларни қондириш, ҳозирги ва келажак авлодни ишончли ва соғлом ҳаёт кечирашига таҳдид кўрсатмайдиган соғлом атроф муҳит ҳуқуқи.

Россия Федерациясининг «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қарорига мувофиқ, истеъмолчиларга товарни сотиб олишда уни ишлаб чиқарувчиси, стандарт ва асосий истеъмолчи ҳусусиятларини рўйхатини, агар бу озиқ-овқат маҳсулотлари бўлса, уларнинг таркиби, калориялилиги, соғлиқ учун зарарли моддалар миқдори ва маълум бўлган касалликларда бу маҳсулотни истеъмол қилишга қарши кўрсатмаларни билиш ҳуқуқига эга. Вақт ўтиши билан истемол қилиш ҳусусиятлари ёмонлашиши мумкин бўлган товарларда яроқлилик муддати ва ишлаб чиқариш санаси кўрсатилган бўлиши керак.

Шундай қилиб, чет элда ишлаб чиқарилган товарларда давлат тилидаги тамға йўқлиги, истеъмолчилар ҳуқуқларини поймол қилинишига олиб келади.